


ЯНГИ НАШР

# Мангу йўлдош ва эш туйғулар

“Инсонларнинг бир-бирларини севиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишларида санъатга тенг келадиган унсур йўқ. Қўлингиздаги ушбу асар ана шу эзгу туйғу, тушунча ва ғояларнинг ҳосиласидир. Мансуб эканимиздан шараф туйганимиз – буюк миллатимизнинг энг қадимий ва энг инжа санъати бўлмиш шеър санъатининг бир учидан тутишдек бахтиёрлик ҳамиша менга ҳамроҳ. Халқимиз инжа руҳининг энг гўзал тазоҳури саналган шеър санъати Туркистоннинг тенгсиз гулистонларида ва сўлим маконларида ўзгача ройиҳа (муаттар ҳид) ва ўзгача лаззат ила қаршимизга чиқди. Ҳа, биз бу фавқулодда гўзалликка ва жозиблага бегона қололмас эдик. Халқимиз азалдан қардош, наслдош, дилдош ўзбекларнинг шеър санъатини янада яқиндан танимоғи, ундан баҳраманд бўлмоғи лозим эди...”

Мазкур иқтибос ҳассос ва хокисор шоиримиз Йўлдош Эшбекнинг яқинда Анқара шаҳридаги “Eysem” нашриётида чоп этилган “Мангу масофа” (“Ebedi Mesafe”)



номли китобига ёзилган сўзбошидан келтирилди.

Ҳа, ўзбек шеърятига ошно бўлган кўнгилли бир тадқиқотчи, ўзбек тили ва адабиёти бўйича қатор тадқиқотлар муал-

лифи ҳисобланган профессор Эртуғрул Яман бу гўзаллик, жозоба, ҳайратдан ўз миллатдошларини ҳам баҳраманд қилмоқ ниятида ушбу эзгу ишга қўл урган.

Китобнинг ўзига хос жиҳатларидан бири – унда шоир Йўлдош Эшбекнинг шеърлари турк ўқувчиларига осон бўлган транскрипцияда аслиятда, иккинчи саҳифада эса таржимада берилган. Бу ўқувчига шеърнинг асл матнини солиштириб ўқиш имконини беради. Таржимон ва мусанниф китоб аввалига шоиримизнинг қадим оҳангларда ёзилган, биз ҳам талабалик пайтимизда жўр бўлиб ўқиганимиз – “Сени сўроқлайман” шеърини қўйган:

*Остонамга дилимнинг  
Торларини бойладим.  
Мен бир дунё сулувдан  
Сен сулувни сайладим.*

Бу қувончли хабар ўзбек тилининг, ўзбек шеърятининг, қолаверса, Ўзбекистонимизнинг жаҳон миқёсидаги эътирофи ва эътибори ифодаси дейиш мумкин.

**Абдумурод ТИЛАВОВ,**  
филология фанлари номзоди